

# ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 57 (6799)  
1997 йил, 26 июль, шанба

Сотувда эркин  
нархда

Касб-хунар борасида гап кетганида халқимизда оғиздан оғизга утиб келаётган қатор афсона-ю ривоятлар ёдга келади. Ана шулардан бири чол ва унинг уч ўғли ҳақида.

Бир чолнинг уч ўғли бўлиб, ота бир куни ўғилларини урмон томонга йўллабди.

— Урмондан қуриган-синган шох-бутоқлар олиб келинлар, — дебди ота ўғиллари-

риб, шундай дебди:

— Бундан яхшигина ёй чиқади.

Кенжа ўғил эса урмондан фақат шох-шабба йиққан ҳолда, жуда кеч қайтибди.

— Отажон, куни билан урмон ораладим. Кераксиз бирорта шох-бутоқни курмадим. Утинликка мана шу шох-шаббаларни олиб келдим.

Отаси ўғли келтирган шох-

одамининг гордан ташқарига чиқиш, илк чайла тиклашига бориб тақалади.

Уй ичини безаш, уни гиламу зардеворлар билан ясашиш тўқувчилик, каштадўзлик сингари нафис хунарларга асос бўлди.

Ҳар биримизда биттадан хунарманд яшайди. Аммо, узимиздаги ана шу хунармандни вақтида пайқаш ҳаммамизга

## Ўзбекистондан бу...

бош олиб кетганлигини ҳис қиласан.

Хунарманд кишилар ҳар қандай халқнинг олтин захираси. Негаки, юртга келган ҳар қандай хорижлик меҳмон унинг бойлигию, ишлаб чиқариши куламини сураб-суриштирмайди.

Миллий меъморчилигимиз, хунармандчилигимиз, халқ амалий санъатимиз биринчи навбатда кузга ташланадиган узига хослигимиз ҳисобланади. Ҳатто хорижлик меҳмонлар ҳам мева-чевалар тукин расталаримизни узоғи билан ярим соат айланиб, юртимиз тупроғининг сахийлиги, деҳқонларимизнинг миришкорлигига қойил эканликларини таъкидлайдилар.

Аммо, ҳар дақиқани ганимат билган уша сайёҳ бешик, дўппию жияк бозорларида, мисгарлар растасида соатлаб қолиб кетиши, эсдаликка убу нарсалардан харид қилиши шубҳасиз.

Харид қилинган буюм эса олис юртдаги хонадонда бошқа улкалардан келтирилган эсдалик буюмлари қаторидан жой олганида, дунёда Ўзбекистондек мамлакат борлиги, унда қули гул хунармандлар яшашини ҳикоя қилиб берса ажаб эмас.

## Мактаб соғинчи

## ЎЗЛАРИГА АЙТАМАН

Қизик, инсон характери галати буларкан. Бундан икки ярим ойлар олдин тезроқ таътил бошланишини кутаётган эдик. Энди булса сентябрь келишини-ю, мактаб кучоғига, синфдошлар даврасига қайтишни истаяпмиз.

Бизнинг Чуст туманимизда Тошқургон деган баҳаво қишлоқ бор. Шу қишлоқда «Сулим» деган болаларнинг хушманзара дам олиш оромгоҳи жойлашган. Мен яқинда шу оромгоҳда 16 кун дам олиб қайтдим. Бир-бирдан самимий дугоналар орттирдим. Тарбиячи опаларимизнинг еқимли овозлари-ю, меҳрибон чехралари, оромгоҳда утган болагимизнинг 16 кунининг шодлик ва қувончлари йўғрилган хотиралари менинг назаримда, бизнинг кейинги йил ҳам шу оромгоҳга келиб, дам олиб қайтишга чорлайверади.

Болалигимда мендан: — катта булсанг ким булмоқчисан, — деган саволларига «Мороженое сотадиган», — дея жавоб берардим. Ушпа пайтлар негадир бу жавобимдан дадажоним аяжоним, ҳаттоки боғча опаларим ҳам кулишарди. Уларнинг бу кулгулари мени масҳара қилаётганга ухшарди.

Энди тушунишимча, улар ме-

нинг бу орзуимни уткинчи эканлигини, бир куни узимга ҳам кулгули туюлишини билишган экан.

Бугун мен шу ҳақда уйларканман, негадир синфимизнинг сеvimли ўқитувчиси Рискижон опа Умарованинг ута мулоимлик билан дарс тушунтиришлари куз олдимга келиб, уларни қаттиқ соғиниб кетганимни ҳис қилдим. Энди мендан «Келажакда ким булмоқчисан», — деб сурасалар, уйламай, нетмай, «Рискижон опага ухшаган педагог булмоқчиман», — дея жавоб қайтараман. Менимча, менинг бу жавобимдан боғча опалариму аяжоним, дадажоним ҳам кулишмасалар керак.

Сабаби, Рискижон опанинг билимдон, тажрибали ўқитувчи эканликларини бугун қишлоқдагилар билишади-ку. Улар ҳам бизнинг, яъни менинг яхши куришимни билармиканлар? Тезроқ мактаб бошланса эди, бу ҳақда уларни яхши куришим-у, улар каби педагог булишни орзу қилаётганим ҳақида уларига айтаман. Ҳа, албатта айтаман.

**Хуррият ОЛИМХЎЖАЕВА,**  
Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғидаги Муқимий номли 21-ўрта мактаб ўқувчиси.

## ҲУНАРЛИ ЭЛ ХОР БЎЛМАС

га. — Аммо улар утинликдан бошқа нарсага ярамайдиган булсагина олинглар.

Шу куни биринчи булиб урмондан тўнғич ўғил каттакон бутоқни ортмоқлаб қайтибди.

— Мана, — дебди у отасига. — Урмонга ораламасимдан энг кераксиз бутоқни топдим. Уни бемалол ёқаверсак булади.

Ота ўғли келтирган бутоқни у ёқ-бу ёғини куздан кечириб, бош чайқабди:

— Болажоним, агар бу оғочни бутоқлардан тозалаб, сал ишлов берсанг, ундан омоч ясаш мумкин.

Орадан куп утмай уртанча ўғил ҳам етиб келибди. Унинг елкасидаги арча бутоғи билан бемалол икки кун қозон қайнатса буларкан. Бироқ ота бу бутоқни ҳам куздан кечи-

шаббаларни куздан кечириб, улар утинликдан бошқа нарсага ярамаслигини тан олибди. Уғлини эса тез орада дуррадгорга шогирдликка берибди.

Кенжа ўғилнинг қулига тушган ҳар қандай ёғоч албатта бирор рўзгор буюмига айланаркан.

Хунар хунардан унар, деб бежиз айтишмайди. Хунарманд кишининг қули ишдан тухтаган пайтида ҳам фикри ишдан тухтамайди. Бундай одам уз хунарининг қули ва хужаси.

Инсоннинг фақат бинокорлик фаолиятининг ўзи бир қанча хунарларнинг бешиги булиб чиқди. Девор кутариш, эшик-ромлар урнатиш, том ёпиш, безаш-буяш каби турли-туман касблар бориб-бориб

ҳам насиб қилавермайди.

Уйимиздаги ошиқ-мошигидан чиқиб кетган дераза роми шамолда гийқиллаб асабга тегади. Устани чақириш керак деб узимизга таъкидлаб қуямиз.

Ёки сувоғи кучиб ётган деворимизга қараб, пул купайганда сувоқчини чақириб суватаман деймиз.

Бундай ишларни ҳар бир рўзгорманд кишининг ўзи бемалол удалай олади. Аммо, танбалликми ёки такаббурликми қулимиздан тутиб туради.

Баъзи оилаларда турт-беш девдай-девдай йигитлар булса-да улар яшайдиган уй-жойдаги деворларнинг қингир-қийшиқлиги, эшик-ромларнинг омонатлиги, узум ишқомининг қаровсизлигини куриб, хунар туйғуси бу жойдан



## ОТАСИ БОРЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Хурматли редакция ижодкорлари! Мен сизнинг газетангиз «Тонг юлдузи»нинг анчадан бери мухлисман. Газета саҳифаларида берилган уқувчи, болаларнинг мактубларини уқиб энгил тортаман. Болалар кунгилларини сизларга очаяптими, демек, Сизлар уларга кунгиллари каби яқинсиз. Сизлар ҳам мактубларга нисбатан бепарқ эмасизки, улар буни чин дилдан ҳис қилишяпти... Ва Сизларга энг яқинларидан яширган сирларини ҳам тўкиб солишяпти...

Мен бу йил 11-синфни тамомладим. Оилада учинчи фарзандман. Мактабни фақат «5» баҳолар билан тугатдим.

Ким булишим ҳақида жуда кўп уйладим. Ҳар қалай дадам орзу қилган инсон булиб етишим керак. Мен дадам 35 ёшга тулган кунлари тугилган эканман. Уша кунни уйимиз одамга тулиб кетган, дадам узида йўқ хурсанд булиб, «Бу бола отасининг изидан боради. Отаси чиқолмаган чўққиларга чиқади», — деб исмиمنى узлари Отабек

қуйган эканлар. Дадамнинг шу гапларини аям айтганларида дадам каби уқитувчи булиш ҳақида жуда кўп уйладим. Таваккал қилиб ҳужжатларимни шу уқитувчилик соҳасига топшироқчи ҳам булдим. Лекин, бу соҳага қизиқмаслигим, бу эса бир кун келиб панд беришини уйлаб фикримдан қайтдим. Менимча, дадам тирик булганларида ҳам мени тушунган булардилар. Мен буни аниқ биламан. Чунки дадам уртоқларининг айтишларича, жудаям яхши одам булган эканлар.

Мен ушамаъшум кунни аниқ эслайман. Менинг уч ёшга тулишим, дадамнинг 38 ёшга тулишлари муносабати билан дадамнинг дусту ёрлари табриклагани келишди. Менга чиройли қизил велосипед ҳам олиб келишган эди. Кечқурунга

ча меҳмонлар тарқалишмади. Узларининг болалиги ҳақида ҳар хил қизиқ гапларни гапиришиб утиришди. Ҳеч эсимдан чикмайди, менинг велосипед миниб ҳовлида юрганимни кўрган дадам қувониб кетган эдилар. Ва қаршилиқ қилишимга ҳам қарамай мени кутариб, юз-кузларимдан, пешоналаримдан упиб, эркалатган эдилар. Мен эса велосипедимга томон тушаман деб, роса ерга тармашгандим. Дадам эса мени ҳеч қуйиб-юбор-

кабутар қанотигаги мактублардан

гилари келмаган эди. Энди эсласам, бу мени охири эркалашлари экан...

Шу куннинг эртасига уйимизда одамлар кечагидан ҳам кўпайиб кетди. Фақат кечагидан бошқача, кеча ҳамма кўшиқ, музыкалар қуйиб чақчақлашиб утиришган булса, бугун ҳамма бир-бирлари билан фақат йиглаб, секин-аста гаплашишарди. Айниқса, онам икки кунда кичкина булиб қолдилар. Менинг велосипедимни ошхонанинг тепасига олиб қуйишди. Қанча йиглаб, ёлбормай, олиб беришмади. Дадамнинг уртоқлари, бири чой қуйиб, овқат ташиб уйдагиларнинг олдиларига кириб-чиқиб туришди. Улар бошларига дуппи қийиб, белларига қийиқ боғлаб олишган эдилар. Буларнинг орасида негадир дадам куринмас эдилар.

Кейинчалик катта булганимда эшитишимча, дадамнинг туғилган кунлари кечқурун бир уртоқларининг таклифи билан анҳорга чумилишга боришибди. Ҳаммалари мириқиб чумилишибди. Дадам чумилишнинг 8-9 хилини биларканлар. Озгина тепаликдан туриб, сувга калалари билан ташлабдилар. Айтишларича, дадам калла қилган жойларининг туби йўқ экан. Ҳар гал уша анҳор лабидан утар эканман, уша ерда кимдир чақираётгандек булаваради.

Мана, тунов кунни ҳужжатларимни ТошМИга топшириб келдим. Дадаси билан етаклашиб юрган болаларни қуриб ҳавасим келди. Уйга қайтар чоғимда кузларим намланиб кетдим. Илоё, уқишга кириб кетай. Дадамнинг руҳлари қўлаб турсин. Мен билан бирга ҳужжат топширган барча тенгдошларимга ҳам омад, келгуси ишларига ютуқлар тилайман.

Отабек ШАМСИЕВ,  
Тошкент вилояти,  
Бекобод тумани.

### САВОЛ


Ассалому алайкум, ҳурматли газета ижодкорлари! Мени анчадан буён бир нарса уйлантириб келади. Гоҳида қандай йул тутишни, нима қилишни билмай қоламан. Шу сабабли сизлардан маслаҳат сураб, мактуб йўлламоқдаман. Қишлоғимиз тоғли жойда жойлашган. Ҳавоси тоза, кенгликлар билан ураб олинган. Назаримда шу кенгликлар атайин қишлоғимизга яқинроқ келгану, у билан қўл ушлашиб турган дугоналарга ухшатгим келади. 13 га кирганим муносабати билан онам менга гулли матодан чиройли куйлак тикиб бердилар. Уй юмушларидан буш қолдим, дегунча шу кенгликларда қушиқ айтиб, рақсга тушаман. Мактабимизда рақс ва ашула тугараги бор. Уқитувчимизнинг айтишларича агар астойдил ҳаракат қилиб, изланишда булсам, мендан яхшигина раққоса чиқармиш. Буни уйдагиларга айтганимда, дадамлар: «Фалончининг қизи уйинчи булибди», — деган гапни кутармайман. Ҳозир ёшсан, катта булганимда сени албатта духтир қиламан,» дейдилар. Духтирлик ёмонмаску, аммо мени Қизлархон опамлардек машҳур, чиройли раққоса булгим келади. Айниқса, телевизор орқали рақсга тушаётган дугоналаримни курсам, юрагим орзиқиб кетаверади. Мен ҳам узимнинг митти-митти гулли куйлагимда рақсга тушсам, тушаверсам... Аммо бир кун келиб, орзуларим сароб булишидан қўрқаман. Нима қилсам экан?

Юлдузхон ШАМШИЕВА, Сариосиё.

### Жавоб

Эсимда, етуклик аттестатимни олганимда, уйдагилар мени савдо олийгоҳига киритмоқчи бўлганлар. Чунки опамлар ҳам, акамлар ҳам шу олийгоҳни битирган эдилар. Мен эса Зулфия опамлардек катта шоира бўламан деб, Самарқанддаги Университетга ўқишга кирдим. Ўқишни аъло баҳолар билан тугатганман. Ҳозиргача домлаларимиз биз кабилар билан фахрланиб юрадилар. Юлдузхон, сингилчам, орзуга айб йўқ. Астойдил ҳаракат қилсанг, ўзинга ишонсанг, орзуинга етишсан. Санъат оламидаги сермашаққат, шарафли йўлда сенга Мукаррама опанинг руҳи ёр бўлиб, орзуларинг қанотли бўлсин. Ахир «Интилганга толе ёр» дейдилар-ку!

Дилором ИСМОИЛОВА,  
шоира.



— Баракалла ўғлим, кўп яша.

Сураткаш А.Эркабоев.

### Учрашув

— Биласизми, онам колхозда ишлардилар. Бригадирдан сўроқсиз бирор кун ҳам ҳатто, кир ювиш учун ҳам уйда қола олмасдилар. Шунинг учун булса керак, дунёда энг зур одам бригадир экан, деб уйлаб, бригадир буламан, дердим.

Бир кунни кучада бригадирга раиснинг бақириб-бақириб гапираётганлигини, бечора бригадирни бош эгиб турганини қуриб, раис буламан, деб орзу қилганман.

— Ҳозир нима ҳақида уйлаясиз?

— Сиз билан болалик ҳақида гапирайман-у, руҳим болалик дунёсида сайр қилаяпти. Қанийди, жилақурса бир соат уша дунёга қайтсам. Э, болаликка қайтиб булмайди...

— Болажонларимизга атаб бирор нарса ёзаясизми?

— Албатта, мен уларсиз, уларнинг беғубор дунёсизис янашай олмайман. Яқин кунларда «Қаердасан, катта йул?» деган қиссани ёзиб тугатаман.

— Йўлдош ака, болалар сизни яхши кўришади. Шунинг учун газетамизга тез-тез меҳмон бўлиб туринг. Сўхбатингиз учун раҳмат!

Сўхбатдош ЮЛДУЗХОН.

Азиз болалар, сиз Йўлдош Сулаймон деган фарғоналик ёзувчи ва шоир бобонгизни яхши танийсиз. Уларнинг юрагида яшайётган болалик ҳамон ям-яшил. Айни пайтда улар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари. Эшитиб кўринг-а, улар нима демоқчи.

## БОЛАЛИККА ҚАЙТИШ

### БўЛМАЙДИ

— Болалигингиздаги энг гузал воқеаларни эслай оласизми?

— Албатта эслайман. Болалигимда роса кўп қузиқоч, бузоқчаларим буларди. Доимо улар билан уйнардим. Энг қизиги, ухлашдан олдин бориб, қузиқоғимни упиб, сунгра ухлардим. У менинг тушларимга кирарди. Шу воқеани тез-тез хотирлайман.

— Айтинг-чи, сиздаги бағрикенглик, бани инсон зотида бўлган чексиз меҳр қаердан?

— Менинг меҳрибон онажоним Ойимчабининг тарбиясидан булса керак. Ҳозир улар 84 ёшдалар. Ҳали-ҳануз уша қуркам меҳр билан яшамокдалар.

— Ўзингизнинг болалигингизни невараларингизда қўра оласизми?

— Афсуски, йўқ. Бизнинг болалигимиз табиийроқ ва соддароқ эди. Булар бошқача...

Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Богимиздаги оқ урикларни сотиб, пулига дoston китоб сотиб олар эдим. Ва қайси хонадонга меҳмон келса, уша ерга бориб, дос-

тон уқиб берардим. Уша пайтда одамларнинг ишқи адабиётга жуда баланд эди. Ҳатто, тунлар дoston китобларимни қучоқлаб ухлаб қоладим.

Ҳозирги болалар бозор-учарга анча киришиб кетишди. Шунинг таъсиридан булса керак, уларда камгина муғамбирлик, эгчиллик хислатларини қўраман.

— Биринчи шеърингизни қачон ёзгансиз?

— Бобом имом булганлар. Улар Муқимий билан анча яқин булишган. Шу туфайли булса керак, Муқимийни жуда кўп уқир эдим. 6-синфда уқиб юрган пайтларимда биринчи шеърим «Муқимийга» деб номланиб, район газетасида босилиб чиққан.

— Болалигингизда далада ишлаган бўлсангиз керак-а?

— Менинг болалигим уруш эндигина тугаган пайтларга тўғри келарди. Ушанда 4-синфда уқирдим. Қишлоққа хат ташувчи булиб ишлардим. Уғиллари, ҳали урушдан қайтмаган онахонларга хат ёзиб берардим. Кун буйи ишласам ҳам, чарчамасдим.

— Уша даврларда катта бўлсам, ким бўламан? — деб уйлаганмисиз?

# ҚЎШИҚДАН ТУҒИЛГАН ЮРАК

Юракка туташган олис уфқлар ортидан қип-қизариб кун чиқади. Англаб булмас фараҳбахш ҳислар ичида уфққа тикиласан. Бир қуйиб, бири сайраётган беданалар овозида кенгликлар яшайди. Қаердандир оқиб келаётган най садоси қалбада сахарларни уйғотади. Най сеҳрига чулгонган бутун атроф секин-секин бош тебратаётганга ухшайди. Шойи ҳаволарда куй оқмоқда. Юракни қаъридаги қадим хотираларни тилга киритади, келажакнинг куз илгамас афсунларига чорлайди бу куй. Зеро, ҳар қандай мусиқада руҳ яшайди. Руҳ эса бу ҳаётнинг, тирикликнинг жавҳаридир.

Айтишларича, Яратган одамизод танасини бунёд этиб, унга жон киритиш чоғида ҳам мусиқани ишлатган эмиш. Азал-азалдан Шарқ уз силсиласи билан дунё юрагида чакмоқлар уйғотган қушиқ ва куйларга бой мамлакатдир. Ҳали

ер юзида одамзод қадами эндигина етган пайтлар ҳам санъатнинг илк қуринишлари ушбу мамлакатда пайдо бўлган дейишади. Балки шунинг учун ҳам то ҳануз «Шашмақом»нинг улмас ва жон ато этгувчи афсунлари яшаётир.

Шу уринда бир афсонани келтириш таъбирга жоиз булар эди.

Қадимда бир подшо угил қурибди. Негадир чақалоқ тиним билмай йиғлар эмиш. Подшо не-не табибларни чақириб, боласининг дардига шифо топишни сурабди. Аммо уларнинг қулидан ҳеч нарса келмабди. Шунда подшо Луқмони Ҳакимни топтириб келишни буюрибди. Луқмони Ҳакимни топишибди, подшо ҳузурига олиб киришибди. Подшо унга: «Агар уғлимнинг дардига даво топсанг, давлатимнинг тенг ярми сеники», — дебди.

Чақалоқни обдон қуриб булган Луқмони Ҳаким подшога мамлакатдаги энг зур машшоқларни олиб келишни айтибди. Машшоқлар кел-

гач, табиб уларни чақалоқ етган хонага олиб кириб, ниҳоятда дилбар куйлардан чалишни сурабди. Машшоқлар куй чалишган экан, кун-тун билмай йиғлайдиган чақалоқ ухлаб қолибди.

Подшо Луқмони Ҳакимдан: — бу не сир, — деб сураган экан, табиб унга: — Болангизнинг руҳига ёмон жинлар таъсир қилган экан, мен уларни уз касбини севадиган, уста машшоқларнинг куйлари билан ҳайдадим, — дебди.

Бу дунё не-не сир-синоатларни бошидан кечирмади. Жангу жадаллар, қиргинлар аро омон келмаётган инсон боласининг руҳидаги энг ёруғ ҳаёл: мусиқага, қушиққа булган талпиниш мангу яшайди. Айниқса, Шарқ халқларининг бутун яшаш тарзида, урф-одатларида санъатнинг чуқур илдизлаб кетаётганини қуриб, бу халқ қушиқдан туғилганми, деб уйлайсан одам.

Яқинда, ҳур Ўзбекистонимизда булиб утадиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам утган ажодла-

римизнинг қонида етган орзулар шуъласи булса не ажаб?

Халқаро мусиқа фестивали қадимий Самарқанд шаҳрида 25 августдан 2 сентябргача давом этади. Бунда 40 дан зиёд мамлакат қушиқчи ва машшоқлари иштирок этишади.

Ҳозирнинг узидаёқ тайёргарлик ишлари қизгин олиб борилаётир. Саҳналарни тайёрлаш, безаш тадбирлари қурилмоқда. Фестиваль композициясининг режиссёри этиб Ўзбекистонда хизмат курсатган артист Баҳодир Йулдошев тайинланган. Ташқи ишлар, қурилиш вазирликлари бу оламшумул тадбир учун қулларидан келган барча ёрдамни аямаетирлар.

Машҳур УзДЭУ, КОКА КОЛА компаниялари бу оламшумул фестивалга ҳомийлик қилмоқдалар. Юраги қушиқдан, мусиқадан туғилган саний она халқимиз мустақиллигининг 6 йиллигини нишонлаш билан бирга дунё куз тутаётган яна бир байрамни интизорлик билан кутмоқда.

## «Шарқ тароналари»

Бу «Шарқ тароналари», халқаро мусиқа фестивалидир. Ишончимиз комилки, бу фестиваль ниҳоятда кутаринки руҳда утади. Ва бизнинг мустақил хур Ўзбекистонимиз дунё санъати майдонида яна бир олтин қадам қуйиб, тарих зарва-рақларидан жой олади.

Қушиққа, мусиқага талпинган юрак, сахарларнинг, муҳаббатга меҳрга, сеҳрга тула булсин:

*Эртага энг гўзал  
тонглар отади,  
Кафтани қўйишга  
очади кўнги,  
Рухнинг кўзларида  
қалқиган куйдай,  
Сирларин қўшиққа  
сочади кўнги.  
Она Шарқ дунёга  
сигмаган сирсан,  
Пойингда эгилар  
муқаддас эртақ.  
Қадим Самарқанднинг  
дарвозаларин,  
Очади қўшиқдан  
туғилган юрак.  
Ҳалима АХМЕДОВА.*

Менга бу воқеани дугонама гапириб берган. Дугонама эса, онаси гапириб берган. Бегмат бобонинг қатта боғи булган. У боғда турли-туман мевали дарахтлар усар экан. Кунлардан бир кун Бегмат бобо боғни айланиб юрар экан, негадир шохлари тепадан бошлаб қуриб бораётган олма дарахтига кузи тушиб-

риётган шохлари кум-күк булган эмиш...

Шундан сўнг тождор илон ҳар тун бобонинг ёстиги остидики келиб кулча бўлиб ётиб олар эмиш. Бобо ҳам бунга урганиб қолиб, тождор илонсиз ёта олмас экан. Орадан йиллар утиб бобо қазо қилибди. Тождор илон

ласизлар. Туғилган боланинг сочини олиб, олма дарахти тагига куминлар, шунда бу дарахтда ажойиб хусусият пайдо бўлганини қурасизлар», — дебди. Дарҳақиқат, орадан ойлар утиб, сочлари тилларанг бир угил бола туғилибди. Унинг сочларини олиб, бобоси айтганидек олма

## ТОЖДОР ИЛОН ЁКИ ОРЗУ ДАРАХТИ

ди. Шунда бобонинг кайфияти бузилиб, кузларида ёш қалқибди. Чунки у киши боғни жуда сеवार эканлар-да!

Тунда бобо ухломмай қийналиб чиқибдилар. Шунда бирдан уларнинг кузи естик тепасида тождор илон турган оқпоқ илонга тушибди. Бобо аввалига қурқиб уринларидан турган эканлар, тождор илон уларнинг оёқларига беозоргина суйқалибди. Шунда бобо бу илоннинг нимадир демокчи булганини тушунибди-ю, илоннинг орқасидан боғ томон йул олибди. Тождор илон шохлари қуриб бораётган олма дарахтини уч марта айланиб, бир туннинг ковагига кириб кетибди. Бу синоатдан Бегмат бобо ҳайрон ва лол эмиш. Тонгда туриб олма дарахтининг енига келса, ҳалиги дарахтнинг ку-


**Кунлардан бир кун**

булса бобонинг уйини тарк этмабди. Бегмат бобонинг угиллари уйни бузишмоқчи бўлишган экан, тождор илон уларнинг йулини тусиб тинимсиз бошини сарак-сарак қилаверибди. Шунда фарзандлар нима қилишларини билмай қолишган экан, маҳалла оқсоқоли — қуинлар, бу хосиятли илонга ухшайди, бу уйни бузманглар, дебди. Фарзандлар ҳам қунишибди. Кунлардан бир кун бош фарзанд туш қурибди: Тушга раҳматлик Бегмат бобо кириб: «Яқинда бу оилада тилла кокил фарзанд туғилади. Фақат тождор илонга озор бермасанглар, боланинг умрини сақлаган бу-

дарахти тагига кумибдилар.

Кунлардан бир кун бобони невараларидан бири уйнаб-уйнаб уша олма дарахти остидики ухлаб қолибди. Шунда унинг тушига тождор илон кириб, «Бола тила тилагингни», — дебди. Невара қурқиб кетиб, онасининг олдига югуриб бориб, булган воқеани айтиб берибди. Шунда она ниманидир сезгандек, булади. Кунлардан бир кун онанинг кичкина қизчаси иситмалаб алаҳлай бошлабди. Она бемор қизчасини олма дарахтининг остидики келиб қизига шифо сурабди ва уша олмадан бир дон олиб қизига берибди. Бироз вақт утгандан кейин қизчанинг иситмаси тушиб, аввалгидек уртоқлари билан уйнай бошлабди.

Олма дарахтидаги бу хусусият ҳақидаги хабар бутун қишлоқ-



қа тарқалибди. Кимники кунлида орзу булса, унинг ушалганини шу дарахтдан келиб сурайдиган бўлишибди. Ҳатто ме-

нинг дугонама ҳам қаттиқ бир касалга чалинганида унинг мевасидан татиб қуриб шифо топаган экан...

## «ГОРНИЙ», «КИБАЛЬЧИШ» (НОМИНИ ҚАРАНГ!) ФОЛИБ БЎЛДИ

Навоий шахрининг марказий «Сугдиена» уйингоҳида вилоятдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олаётган укувчилар уртасида спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, шашка, сузиш, футбол ва волейбол турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Навоий вилоят жисмоний тарбия ва спорт қумитаси ҳамда «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими томонидан ҳамкорликда тайёрланган ушбу

спартакиадада Навбахор туманида жойлашган Навоий қурилиш бошқармасига қарашли «Горний» оромгоҳи ёш спортчилари фолиб чиқишди. Шунингдек қизгин спорт курашларида бой беллашувларда «Навоийзот» ишлаб чиқариб бирлашмасига қарашли «Кибальчиш» оромгоҳи дам олувчилари фолиблик шохсупасининг 2-погонасини, Навоий шаҳридаги 13-мактаб қошида ташкил этилган «Радуга» болалар соғлом-

### Соғ юрак — тоғ юрак

лаштириш оромгоҳининг спортсеварлари эса 3-уринни эгаллашди.

Фолиб гуруҳлар Республика ешларининг «Камолот» жамғармаси Навоий вилоят бўлими, вилоят жисмоний тарбия ва спорт қумитасининг эсдалик совғалари ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Шухрат ҚАРШИЕВ.

Тошпўлат ИКРОМИЙ

**БИР ДАРАХТИНГА БАҲДИМКИЗ**

**ОРЗУ**

Ўзим мард ўғлон,  
Зийрак, паҳлавон.  
Лекин ҳозирча  
Қалбимда армон:

Ўқиб, чўнг бўлсам,  
Кувватга тўлсам,  
Халқимга хизмат  
Қилиб танилсам!...

**ШАДБИРАМИ  
ШАМОЛ**

Очиқ турган ойнакин  
Ким ёниб қўйди?  
Кўрсатмасдан ўзини,  
Жим ёниб қўйди?

Кирмасин деб уйга чап,  
Тадбирли шамол,  
Билдирмай ёпган экан,  
Сезмайин малол.  
Уйғурчадан Туроб НИЁЗ  
таржимаси.



# ҚИЗИҚЧИ АБДУРАХМОН СИДДИҚОВ «ЗИРАПЧА» МЕҲМОНИ

**Абдурахмон қизик:** — Митти «Зирапча»га меҳмон бўлишимни эшитиб, ётиб уйкум келмади. Болалигимни эсладим. Кузим унгидан қизик-қизик воқеалар ариқдаги сувдек оқиб утаверди.

Айтмоқчи, аввал узимни қисқагина таништириб утай. Мени Фаргона водийсида «Риштонлик қизикчи» деб аташади. 1978 йили аскарликдан қайтиб келганимдан сунг ҳофизларга доирачилик қилиб, қишлоққа қишлоқ тую сайилларда юрдим. Нега десангиз, доира чалишни жуда-жуда ёқтирдим. Қарасам, биз борган тую сайиллар қуруқ ашула билан утади, биров лоақал илжайиб кулмайди ҳам. Шундан кейин бир туйда таваккал—бахташ деб, устоз қизикчи Муҳиддин Дарвишевдан эшитган ҳангомалардан бир-иккисини айтгандим, қарсақ устига қарсақ булиб, одамлар қаҳ-қаҳ отиб кули-

шиб, яна битта булсинга туюшиб қолишди. Уша-уша доирачиликни йиғиштириб қуйиб, қизикчилик кучасига кириб кетганман...

Энди болаликдаги воқеалардан бир-икки шингил эшитинг:

ди, бувим уларга андармон эдилар. Ушанда бугдойни сепиб, елпиш урнига кепчикни доира қилиб чалиб юборибман. Кепчик — нималигини билмассизлар. Ухудди доиранинг узи, фақат териси қалин булади. Кепик деганингиз офтобда роса қизиб турган экан-

булманг буви, гужа урнига шапалоқ пишиди!» деб юборибман-да!

Тошкент давлат маданият олийгоҳига сиртдан ўқишга кирдим. Пойтахтга тез-тез келганимдан кийинишим, узимни тутишим ҳам узғариб қол-

дан.

— Бакинбарт соқол — муйлов қуйишни-чи?

— Бунақасини ҳам Риштондан?

— Уша сен ҳар куни борадиган Риштонга мен ҳам тез-тез бориб тураман, бундоқ одамгарчиликни ҳам ургансанг буларди, болам!

— Албатта, урганаман! Аввал Москва телевидениеси курсатсин, кейин урганиб оламан, қуяман!

\* \* \*

Бояги айтган қариндошимизнинг қизи балоғатга етгач, нимани гапирса охирида «Вой!» дейдиган қилиқ чиқарибди:

— Шарифа, сочинг чувалаб кетибди, турмаклар ол!


— Курмабман, вой улмасам!

— Қизим, сигир нега ечиқ?

— Курмабман, вой-вой!

— Жон қизим, — дебди бир куни онаси ҳазиломуз, — агар «Вой» деяверсанг, совчилар келиб туришибди, майли деб юбораман-а!

Шунда Шарифа уялган киши булиб, «Вой-вой! Вой-вой! Ойижоним-ей!» деб юборган экан!



\*\*\*

Қишлоғимиз Чек Насриддин—Риштон шаҳаридан сал нарироқда. Бувим купинча угирда бугдой янчиб, кепчикда елпиб, бизга гужа овқатини тайёрлардилар. Бу ишда купинча бувимга қарашардим. Бир куни бугдой енчиш ҳам, уни елпиш ҳам узимга қолиб кетди, нега десангиз, уйимизга олисдаги қариндошлардан биттаси меҳмон булиб келган-

ми, худди доирадек жаранглаб кетди. Меҳмоннинг ёш қизчаси ҳовлига чопиб чиқиб, уйин туша бошлади, мен ҳам бак—бака—бангни роса авжига чиқарибман. Бир маҳал кулоғим тагида шапалоқнинг овози эшитилди. Қарасам, бувим жигибийрон булиб турибдилар. «Ҳой жувонмарг, меҳмонга гужа пишиб қолди, дегандим, сен булсанг... Мен ҳам ушанда «Хафа

ди. Бир куни қушнимиз Турсун ота мени саволга тутиб қолдилар:

— Уғлим, лайлакнусах кийимларни кийиб олибсанми, буларни қаердан топяпсан узи?

— Риштондан-да, отахон!

— Сигарета чекишни қаердан урганисан?

— Буни ҳам Риштондан.

— Қора кузойнақ тақишни-чи?

— Бунисини ҳам Риштон-

## ТУЯ ГҮШТИ ЕГАНМИ?

Ҳурматли Зирапча!

Ҳадемай, ўқиш бошланади. Аммо биз ўқувчилар ярми битиб, ярми чала қолган мактабимизни қуриб, ҳурсинганимиз ҳурсинган. Ҳурсинишимизнинг боиси шундай: Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги 44-таянч мактаби учун илгари янги бино қуриш режалаштирилган эди. 1993 йили мактабимизнинг ярми битказилиб, унга кучиб кирдик. Лекин синфхоналар кам маблағ етишмаганидан булса керак, мактаб қурилишининг қолган қисми битказилмай қолиб кетди. Мана ҳозир туртинчи йил утапти қурувчилардан дарак йук. Ота-оналар ва мак-

таб маъмурияти тазйиқи билан жамоа хужалигимиз раиси Х. Эшонқулов ишни давом эттириш учун 5-Олмалиқ кичик корхонасига шартномада курсатилган пулни утказди. Аммо бу корхона ҳалигача иш бошлаганича йук. Ота-оналаримиз вакиллари туман ҳокимлигига бир неча маротаба мактабни сентябргача битказиб беришларини илтимос қилиб, мурожаат этишди, бироқ натижаси қуринмаяпти.

Қадрли Зирапча, илтимос қиламиз; бу ишга узинг қашишдан бел боғлаб, жиддийроқ киришмасанг бул-майди. Булмаса 10-синф учун синфхона етишмай турибди!

44-таянч мактабининг 9-синф ўқувчилари:

**Ш. АБДУКОДИРОВ,  
М. БОЗОРОВА,  
Г. ЖҰРАМУРОДОВ**  
ва бошқалар.



## ЛАҚИЛЛАТИШ

*Лақма бўлсанг, кўпчилик сени лақиллатиб, устингдан кулаверар экан. Ана шундай лақмалардан бири — Бўривойдир. У ҳатто ёш гўдак билмасдан бир нима деса ҳам ишониб, лақиллаб кетаверади. Ёлғон, тўқима гапларни чин деб, тушунаверади.*

*Қуйида Бўрибойни қандай лақиллатишгани ҳақидаги ҳангомаларнинг айримлари билан танишинг, болалар!*

### ЯЛТИРОҚ ЗОЛДИР

Кучада Рихсивой кучида ялтироқ золдирни қуёшга тутиб турганида унинг ёнига Бўривой келибди. Уни ялтироқ золдирга ҳаваси келиб, сурабди:

— Зур экан, бу золдирни қаердан олдинг?

— Буними? Буни Шуртепадаги магазиндан ун икки дона ёнғоққа алмаштириб олдим.

— Менга ҳам олиб бер?

— Ёнғоқнинг борми?

— Бор!

— Унда узинг олиб бориб, олавер. Магазинчи жуда ёнғоқхур экан, дарров алмаштириб беради.

### ҚАЙРАҒОЧ УСТИДА АНЖИР

Анжир еб утирган Мавлоннинг олдига Бўривой келиб сурабди:

— Оғайни, анжирингдан битта бер?

— Беролмайман, зурга нариги маҳалладаги қари қайрағоч устидан олиб тушдим.

— Қайрағочнинг устидан анжир буларканми?

— Булганда қандоқ! Кимдир, қайрағоч танасининг чириган жойига анжир эккандир-да, узидан узи кукариб, ҳозир гиж-гиж мева туккан.

Борсанг, пишганларини териб олаверасан. Аммо бошқага айтма, ҳаммасини териб олиши турган гап.

— Айтмайман, кетдим унда!

Олим БЕК.



### ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҰМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА  
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнара  
ЙҰЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон  
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф  
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Оффсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0447,  
10960 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топириш вақти 19.00  
Топириш — 18.30  
Навбатчи муҳаррир О.Тухташаров

Руйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
Манзилмит: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси,  
32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон:  
33-44-25

